

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 59 (40 50).

25

МАРТ

СЕШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШДА

Республикамизнинг улкан қурилиш ишчиларидан бири — Олмалик химия заводининг қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб бориляпти.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари ўртасида иш сифатини ошириш ва давлат планини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мусобақа ажи олмоқда.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлар Совети

шу қурилишда жорий этилган социалистик мусобақани қувватлади ва унинг шартларини тўлатуки маъқуллади.

МАШЪАЛЛАР

Пойтахтимиздаги «Учқун» тўқимачилик-галантерей фирмасида В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизғин тус олиб бормоқда.

Тўқувчилар беш йилликнинг тўртинчи йилида ўз эмишларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун барча имкониятларни ишга солиштириб, мусобақада дастлабки яқин ясалиб, пешқадамлар аниқланди. Бадний-галантерей дехонининг ишчиси М. Одинова ва контролери Х. Иноғомова, ўраш дехонининг ишчиларидан Е. Мальцева, Ф. Шарипова, Р. Гараева, С. Василук кабилар энг юксак натижаларга эришдилар. Улар қурилиш нормаларини муттасил 120—130 процентдан адо этиб, ой охиригача го-дликнинг қўлдан бермаслигига иштирокчи бўлишмоқда.

Х. ИНОГОМОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети Сийёс Бюроси билан СССР Министрлар Совети ўртасида Ҳамкорлик ва Ўзаро Ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сийёсий маслаҳат комитетининг 1969 йил 17 мартда Будапештда бўлиб ўтган кенгашининг ахборотини кўриб чиқдилар.

Мулоффаа министрлари ишлаб чиққан ва тегишли ҳукуматлар маъқуллаган тадбирлар ҳамда сийёсий маслаҳат комитети кенгашида тасдиқланган ва Варшава шартномаси мулоффаа ташкилотининг структураси ва бошқарилган ҳужжатлар НАТО агрессия империалистик блокнинг активлашиб бораётганлиги мумоинибати билан катта аҳамиятга эга эканлиги ўқитиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сийёс Бюроси билан СССР Министрлар Совети Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан умум Европа кенгашиин тайёрлаш ва ўтказиш хусусида Будапешт кенгаши қатнашчилари Европадаги барча мамлакатларга қилган мурожаатдан мамнун бўлганликларини

изҳор қилдилар ҳамда амалда бундай кенгашиин тайёрламоқ учун Европа давлатлари вакилларининг учрашувиин тезроқ ўтказиш муҳим эканлигини айтдилар.

КПСС Марказий Комитети Сийёс Бюроси билан СССР Министрлар Совети шунга қаттиқ ишонди-ларки, сийёсий маслаҳат комитетининг кенгашида яқинлиқ билан қабул қилинган қарорлар социалистик мамлакатлар бирлиги ва жинслигини мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўйилади ва актуал халқаро проблемаларни Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва ҳавфсизлик манфаатларини қўлаб барқарор этишга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети Сийёс Бюроси билан Совет ҳукумати СССР делегациясининг сийёсий маслаҳат комитети кенгашидаги фаолиятини тўла-қўнмас маъқулладилар ҳамда кенгашиин Варшава шартномаси қатнашчиси бўлиш Совет Иттифоқида тегишли қарорларнинг бажариш юзасидан конкрет чораларни амалга оширишни тегишли ташкилотлар ва идораларга топширдилар.

1969 йил, 21 март.

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашига тайёргарлик кўрувчи комиссиянинг мажлислари тўғрисида

АХБОРОТ

18 мартдан 22 мартгача Москвада Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашига тайёргарлик кўрувчи комиссиянинг мажлислари бўлиб ўтди.

Тайёргарлик комиссияси ишда қўйилган Коммунистик ва ишчи партиялар делегациялари қатнашди: Австралия Коммунистик партияси, Австрия Коммунистик партияси, Жапон Социалистик Авангард партияси, Аргентина Коммунистик партияси, Бельгия Коммунистик партияси, Болгария Коммунистик партияси, Боливия Коммунистик партияси, Бразилия Коммунистик партияси, Буюк Британия Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Венесуэла Коммунистик партияси, Гантти коммунистларнинг бирлашган партияси, Гвинея Коммунистик партияси, Гватемала Меҳнат партияси, Германия Коммунистик партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Гвинея Коммунистик партияси, Греция Коммунистик партияси, Дания Коммунистик партияси, Доминикана Коммунистик партияси, Исроил Коммунистик партияси, Хиндистон Коммунистик партияси, Иордания Коммунистик партияси, Ироқ Коммунистик партияси, Эрон Халқ партияси, Ирландия ишчи партияси, Шимолӣ Ирландия Коммунистик партияси, Испания Коммунистик партияси, Италия Коммунистик партияси, Канада Коммунистик партияси, Кипр меҳнаткаш халқ Прогрессив

партияси, Колумбия Коммунистик партияси, Коста-Рика Халқ авангард партияси, Ливан Коммунистик партияси, Люксембург Коммунистик партияси, олодлик ва социализм партияси (Марокко), Мартиника Коммунистик партияси, Мексика Коммунистик партияси, Монголия Халқ Революцион партияси, Никарагуа социалистик партияси, Панама Халқ партияси, Парагвай Коммунистик партияси, Перу Коммунистик партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Португалия Коммунистик партияси, Пуэрто-Рико Коммунистик партияси, Реуноньон Коммунистик партияси, Руминия Коммунистик партияси, Сальвадор Коммунистик партияси, Сан-Марино Коммунистик партияси, Сурия Коммунистик партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Судан Коммунистик партияси, АКШ Коммунистик партияси, Тунис Коммунистик партияси, Туркия Коммунистик партияси, Уругвай Коммунистик партияси, Финляндия Коммунистик партияси, Франция Коммунистик партияси, Цейлон Коммунистик партияси, Чехословакия Коммунистик партияси, Чили Коммунистик партияси, Швейцария меҳнат партияси, Эквадор Коммунистик партияси, Жанубий Африка Коммунистик партияси.

Сўз партия — Швеция коммунистлари вакиллари мажлисларда қўзғатувчи сифатида иштирок қилдилар.

Тайёргарлик комиссияси маслаҳат учрашувида белгиланган «Ҳозирги даврда империализмга қарши кураш вазифалари

ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» деган кун тартибидан кенгашиинг асосий ҳужжати лойиҳасини муҳокама қилди.

Сессия иштирокчилари ўз нуқтаи назарларини халқаро кенгашига ва ишчи партиялар Марказий Комитетларига юбориладди, деб қилишиб олдилар. Тайёргарлик комиссиясининг бўлиб ўтган мажлислари тўғрисида ҳар бир делегация ўз партиясига ахборот беради. Комиссия иштирокчилари кенгаш учун бошқа материалларни тайёрлаш тартиб тўғрисида ҳам қилишиб олдилар.

Комиссия кенгаш ўтказишнинг ташкилий масалаларини муҳокама қилди. Тайёргарлик комиссияси шу йил 23 майда Москвада ўзининг якуловчи сессиясига ўтланади.

Халқаро кенгаш 1969 йил 5 июнда Москвада очилди.

Тайёргарлик комиссияси бўлажа кенгашда қатнашишни тақлиф этиб, барча Коммунистик ва ишчи партияларга яна мурожаат қилди.

Тайёргарлик комиссиясининг ўртоқларча ҳамкорлик назиятида олдидан борган ишлари Коммунистик ва ишчи партияларнинг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализм, принциплари негизига муштарак мақсадлар учун, империализмга қарши кураш йўлида жинслашмишга иштирокчи қўлаётганлигини яна бир марта қўрсатди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ПОЛКОВНИК Д. В. ЛЕОНОВ
БИЛАН СТАРШИЙ
ЛЕЙТЕНАНТ
И. И. СТРЕЛЬНИКОВГА
СОВЕТ ИТТИФОҚИ
ҚАХРАМОНИ УНВОНИ
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР давлат чегарасини ҳимоя қилишда кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасорати учун қуйидагиларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилсин:

Марҳум полковник Леонов Демократ Владимирович.

Марҳум старший лейтенант Стрельников Иван Иванович.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1969 йил 21 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
МЛАДШИЙ СЕРЖАНТ
Ю. В. БАБАНСКИЙ БИЛАН
СТАРШИЙ ЛЕЙТЕНАНТ
В. Д. БУБЕНИНГА
СОВЕТ ИТТИФОҚИ
ҚАХРАМОНИ УНВОНИ
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР давлат чегарасини ҳимоя қилишда кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасорати учун қуйидагиларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Ленин ордени билан «Олтин Юлдуз» медали тошқирилсин:

Младший сержант Бабанский Юрий Васильевич.

Старший лейтенант Бубенин Виталий Дмитриевич.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1969 йил 21 март.

ҚАҲРАМОНЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР!



Д. В. ЛЕОНОВ.



И. И. СТРЕЛЬНИКОВ.



Ю. В. БАБАНСКИЙ.



В. Д. БУБЕНИН.

СОВЕТ БОШҚИРДИСТОНИ — 50 ЁШДА

Совет Бошқирдистони 50 ёшга тўлди. Советлар ҳокимияти йилларида ўтмишда қолоқ бўлган бу ўлка халқ ҳўналганининг барча соҳаларида исми қўрилган зафарларга эришди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Бошқирдистон область комитетига, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига Бошқирдистоннинг 50 йиллиги муносабати билан табриқнома йўлладилар. Табриқномада Бошқирдистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнат-

кашлар шонли юбилей билан самимий муборакбод қилинади.

Шу йил 22 мартда республика опера ва балет театри бийосида Бошқирдистон Автоном Совет Социалистик республикаси 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари З. Н. Нуриев очди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сийёс Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Ко-

митетининг секретари А. П. Кирилленко нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Яснов мажлис ахлининг гулдўрос қарсақлари остида республика байроғига Октябрь Революцияси Орденини қадаб қўйди. Бу орден билан Бошқирдистон Совет Социалистик Республикаси коммунистик қурилишда эришган катта ютуқлари учун 21 мартда СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида бийнон мунофотланган эди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ҲУНАРИНИ ЭҒАЛЛАНГ

ОБЛАСТЬ ЁШ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ 1-СЛЁТИДАН

ди Оққўрғон районидида Султон Сейтбобоев номи совхоз комсомол ёшлар звеносининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати С. Абдукаримов. — Ўтган йили тектар бошига пилдадаги 27,5 центнер ўрнига 34,7 центнердан пахта ҳосили кўтардик, Пахтани ма-

шинада териш плани 175 процент қилиб бажарилди. Звенo аъзоларининг ўртача ойлик иш ҳақи 178 сумданга тўғри келди. Бу йил тектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтаришни мақсад қилиб турибмиз.

Бекобод районидида 1-«Далварзин» совхозни комсомол ко-

митетининг секретари Э. Рўззобоев совхоз ёшларининг йағрайи ва ташаббусидан сўзлайди. Улар бу йил салкам 11 минг тонна пахта етиштириш учун катта кураш йўлига чиққандилар.

Деҳқончилик — ота-бобомиз қасби. Бу қасбини эгаллаш, деҳқончилик ҳўнарини ўрганиш

қийноқ ёшларининг шарафли бурчидир. Ёшлар деҳқончилик маданиятини ошириш йўлида бошланган юришни яна давом эттиришга сўз бердилар.

— Бу йил деҳқончилик учун оғир несида, — дейди Ўрта Чирчиқ районидида «Олмалик» совхози комсомол ёшлар звеносининг бошлиғи Ш. Очипов. — Ўскам биз табиат олдида, тиз қўқадиганлардан эмасмиз. Барча қийинчиликларни мардонавор енгамиз. Ўтган йили ҳам қийинчиликларни бартараф этиб, экин майдонининг ҳар тектаридан 8,5 ўрнига 13,9 центнердан галла хирмони кўтардик. Звенoмизда деҳқончилик маданияти анча юксалди. Бу йил Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VIII пленуми қарорларини яна ҳам тўлароқ бажариш мақсадида ўз зимманимизга оширилган мажбуриятлар олганимиз. Далминор ерлардан 14 центнердан, суғориладиган ерлардан эса 22 центнердан дон етиштиришга сўз бердик. Бу вазданнинг устидан қийин учун бор имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Ш. Очипов сўзининг охирида Янгйўла районидида Жданов номи колхоздан Е. Мамадаримов бошлиқ галлачилик бригадасини мусобақача қақирди. Е. Мамадаримов бу тақлифини қабул қилди.

Слётда сўзга чиққан Калинин районидида Карл Маркс номи колхоз сўт соғувчиси Н. Ҳақимова ўз дугоналарининг бу йилги оғир шароитда

чорва маҳсулдорлигини ошириш йўлида кўрсатган жасорати ҳақида тўқиллашиб гапирди. Ферма коллективини барча кўрсаткичлар бўйича топириқини олти билан адо этиб келмоқда. Малина Ҳақимова йилнинг ўзи қарамоғидида 17 бов ситирдан 17 бов бузоқ олишга муваффақ бўлди. Ўтган йили ҳар бир ситирдан 3,708 килограммдан сўт соғиб олди. Бу йил у 4 минг килограммлик маррани қўлаб меҳнат қилапти.

Бўна районидида Охунбобоев номи колхоз комсомол ёшлар звеносининг бошлиғи А. Салоҳидинов, Янгйўла районидида Жданов номи колхоз галлачилик бригадасини бошлиғи Е. Мамадаримов, Калинин район бов зоотехниги Э. Исматуллаев ва бошқа ўртоқлар ҳам ўз ҳўналишларида деҳқончиликни юксалтиришдаги ибратли ишлар, қўллагми экинга олиб бориладиган тайёргарлик ҳақида гапирдилар.

Слёт қатнашчиларини Тошкент тўқимачилик комбинати ип фабрикаси комсомол комитетининг секретари З. Бозтабоева қизгин қутлади.

Слётда область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоков нутқ сўзлади.

Слёт қатнашчилари қийноқ ёшларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Суратда: область ёш деҳқонлари слётни қатнашчиларидан бир группасини кўриб турибсин.

А. Мальцев фотос.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан кейинги ўтган давр мобайнида областимизда ялли ишчи-лоқ ҳўжалиги маҳсулоти тайёрлаш анча ошди. Давлатга 118 минг тонна пахта, 32 минг тонна канон, 149 минг тонна сабзавот, 18 минг тонна шолӣ кўп сотилди. Чорвачилик маҳсулдорлиғи ошди.

Бу муваффақиятларда комсомол ёшларини ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир қайси бир участкага борманг, қабил олов ёшларимизнинг гайрат ва ишқандилигини кўриш мумкин. Ўқувчиларнинг яратиб, экономикасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганликлари кўрасиз.

Юқори Чирчиқ район комсомолларининг ибратли ишчи мақтоғга лойиқдир. «Политотдел», колхоздан Маъмура Йўлдошева, Болтабой Ризматов, «Привада» колхозидан Болтабой Мурсумқулов ўртоқлар бошлиқ комсомол ёшлар звенолари тектар бошига ўртача 40—45 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштирдилар. Бўна районидан Ҳасан Алиев, Бекобод районидан Мирзакарим Тошқулов, Оққўрғон районидан Туроб Ордикулов, Янгйўла районидан Венера Зияева каби ўнлаб «ангори кема» суворийлари ўз агрегатлари бункеридан 100—150 тоннага етказиб «оқ олтин» тўқидилар.

ВЛКСМнинг шонли 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа катта самара берди. Бу курашда областимизда неча минглаб йигит-қизлар иштирок этди. Области-миздаги 42 галлачилик комсомол ёшлар бригадаси ва звенo сўз Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VIII пленуми қа-

роларини амалга оширабориб, ҳар тектар ердан 33 центнергача етказиб галла ҳосили олдилар. Социалистик мусобақа иш-торидан 650 киши республика област ва район комсомол ташкилотларининг Фахрий ёрликлар билан мукофотланди, 69 ёш галлакорнинг қўйсини ВЛКСМ Марказий Комитети таъсис этган «Олтин бош» нишонини беади.

Комсомол ёшларимиз эришган муваффақиятлар кишини беҳтёр қувонтиради, — дейди область ёш деҳқонларининг 1-слётда доклад қилган область комсомол комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. У. Исҳоқов. — Эндиги вазифа беш йилликнинг тўртинчи йили топиширини муваффақиятла адо этиб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб тўғфалар билан кутиб олиндиан ибратлар.

Бу шонли юбилейга атаб қўлтига комсомол ёшларимиз ажoниб совгалар тайёрламоқдалар. «Чиринкельмаш» заводининг зарбдор комсомол ёшлари ишдан ташқари вақтда 4 та культиватор тайёрладилар. Трактор йиғув заводида эса 10 та трактор йиғилди. Шу ташаббускор комсомоллар сафи яна ҳам кеңейсин.

Минбарга бирин-кетин ишлаб чиқариш новаторлари, комсомол ходимлари ва мутахассислар чиқишади.

Звенoмиз аъзолари 64 гектар майдонда деҳқончилик қилишапти, — дея ҳўқоқ қила-



САБЗАВОТ МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

Бу йил областимиз колхоз ва совхозларида 241 минг тонна сабзавот, 65 минг тонна картошка, 80 минг тонна полиз экинлари, 42 минг тонна мева, 52 минг тонна узум етиштирилади.

МАШИНА-ДЕҲҚОН ДУСТИ

Е. ХИЗКИЛОВ
инженер

ЎЗБЕКИСТОН КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1966 йилда чиқарган махсус қарорида сабзавоткор хўжаликлари кескин юксалтириш масаласи қўтарилди. Жумладан, ихтисослаштирилган сабзавоткор колхоз ва совхозларда механизация даражасини янада юксалтириш тадбирлари белгиланди.

Шундан кейин сабзавоткорлар ихтиёрига қўллаб-қўллаган, плуглар, култиваторлар ва бошқа техника воситалари қўрилди. Республика сабзавотчилик институтининг тажриба участкаларида конструкторлар ва ишчилар синфи томонидан яратилган ажойиб янги машина ва механизмлар синиб қўрилади. Қўлат ўтказадиган машиналар, сабзавот ҳосилини йиғиштириб оладиган платформалар, сеткалар, бороналар, модернизация қилинган сабзавот сеялкалари, оловли култиваторлар ана шулар жумласидандир. Бу сеялкалар шунинг кўрсаткичи, сабзавотчилик техника қўлидан умумий фойдаланиш ва шу йўл билан ҳосилдорликни ошириб, таннархи кескин арзонлаштириш мумкин экан.

Областимиз сабзавоткорлари олимлар ва конструкторлар яратган машиналарни республикада биринчи бўлиб ишта тушириб юборишди. Калинин районидagi «Қорасув» совхозининг ерлари катта лабораторияга айланиб кетди. Республикада ихтилат курсатган механизатор Носир Мухиддинов юқорида айтиб ўтилган янги машина ва механизмларни ишлаб чиқаришда жорий эта бошлади. Тажриба натижалари жуда яхши бўлиб чиқди. Шундан кейин «Усельхозтехника» бирлашмасига ихтисослаштирилган сабзавотчилик хўжалиқларидан қўллаб-қўллаган келадиган а. д. н. Аммо шунинг айтиш керакики, «Усельхозтехника» бу буюртмаларни талаб қилинган даражада бажармаёттир. Ушундан йили областимиз сабзавоткор хўжалиқлари бор-йўғи ўнтагина қўлат ўтказадиган машина билан таъминланди. Бошқа механизмлар ҳам жуда кам миқдорда етказиб берилди.

Маҳаллий саноат сабзавоткорлар учун жуда ҳам зарур бўлган оловли култиваторлар ишлаб чиқаришни беш йилдан буён негизий тўхтатиб қўйган. Экин олдидан тупроққа гербицид сепадиган ПТС—2,4 мосламаси ҳам «Сельхозтехника» оморларида етиб қолмоқда.

Хуллас, тегишли ташкилот ва корхоналар сабзавоткорларнинг оғирини енгил қиладиган турли хил марказдаги машиналарни қўллаб-қўллаган чикаришни йўлга қўйишлари зарур. Бундан қатъий назар, областимиз сабзавоткорлари ўзларининг ихтиёрларида ҳозир мавжуд бўлган техника ёбсаталаридан ниҳоятда унумли фойдаланишлари лозим. Шундангина сабзавот етиштиришни қўлайитириш юзасидан олиб борилаётган ишлар янада авж олиб кетади.

Эл дастурхонига мўл-кўл сабзавот маҳсулотларини қишқир экин етказиб бериш — сабзавоткор деҳқонларнинг ватанпарварлик бурчидир.

Ҳозирги кунларда сабзавотчилик хўжалиқларида дала ишлари борган сари жонлантириб юборилляпти. Ана шундай бир пайтда улар нималарга алоҳида аҳамият беришлари зарур? Иш қан-

дай ташкил этилса, сабзавот экинларидан илгарти йиллардаги каби, ҳатто ундан ҳам ошириб мўл ҳосил олиш мумкин?

Ҳар бир сабзавоткор деҳқоннинг фикри-эсини билди қилган бундай саволларга аниқ-равшан жавоб олиш учун редакциямиз бир гуруҳа олимлар ва мутахассисларга мурожаат қилди. Қуйида улар ўз фикрлари билан ўртоқлашадилар.

ЭРТА ПИШСИН ДЕСАНГИЗ...

М. МИРСОАТОВ
область қишлоқ хўжалиги бошқармаси сабзавотчилик бўлимининг бошлиғи.

Оржоникидзе районидagi «Қирил Ўзбекистон», «Октябрь», «Правда» колхозлари ва бошқа бир қанча хўжалиқларининг сабзавоткорлари қиш совуғи энг учига чиққан кунларда ҳам қўчатларни қўчириб ўтказиш ишини тўхтатишмади. Совуқдан асраб қолинган қўчатларнинг каттагина қисми теплицада қўчириб ўтказилди.

Шу билан бир қаторда гўн ва тупроқдан тувакчалар асашга ҳам катта эътибор берилди. Ҳаммаси бўлиб, 49 миллион дона шундай тувакчалар асалиб, уларга қарам ва помидор уруғлари сеиб қўйилди.

Мана, эндиликка келиб, деҳқонларнинг эртаги сабзавотини мўл-кўл етиштириш учун бутун қиш бўйи қилган бетининг ҳаракатлари ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. 150 мингта парник ромига мўлжал-

даги 640 килограмм ўрнига 800 килограммдан ортиқ қарам уруғи экилди. Ҳозирги пайтда қўчатлар бир текис униб чиқиб, нормал ривожланимоқда. Бу қўчатлар 1900—2000 гектар майдонга қўчириб ўтказиш учун бемалол етди. Бу ишда «Сортсемеовош» ходимларининг хизмати жуда катта бўлди.

Бу йил қўчатларини тувакчаларда қўллаб ўстиришга алоҳида аҳамият берилляпти. Нега деганда, бу қўчатлар бақувват бўлиб ўсади, экин майдонларида қўчириб ўтказилганда яхши тутиб кетади, насалликка чалинмайди ва ҳосили одатдагидан икки-уч ҳафта илгари чишади. Шунингдек, парникларга помидорнинг тезпишар навларини, қалампир ва баклажонларини экин ишлари тугалланди. Ҳозир бу экинлар ҳам бир текис униб чиққан.

Областимизнинг колхоз ва совхозлари бу йили мавсумда 1600 гектар майдонда эртаги

қарам етиштиради. Гектар бошига кам деганда 20 тоннадан ҳосил қўтарилиши мўлжалланмоқда. Шунда 32 минг тонна қарам меҳнатқиллар дастурхонига тортиқ қилинади. Эртаги қарам ҳосили тайёрлов пунктларига май ойининг биринчи ярмида келадигандир.

Тезпишар помидорлар 1500 гектар майдонга экилади. Бу ерлардан кам деганда 25—30 минг тонна ҳосил олинади. Помидорнинг дастлабки ҳосили июнь ойининг бошидаёқ пишиб етилади. Эртаги бодринг 500 гектарга экилиб, унинг 200 гектари плёнка билан бекитилляпти. Деҳқонлар намида 5—7 минг тонна эртаги бодринг олишни мўлжаллаб туришибди.

Шундай қилиб, областимиз сабзавоткорлари бу йили қишнинг ҳаддан ташқари қаттиқ совуғини мардонаворлик билан енгилди ва эртаги сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида етиштириш учун муштакам замин ҳозирламоқдалар.



Калинин районидagi Карл Маркс номи колхоз деҳқонлари эртаги сабзавот экинларини қисқа фурсатда экиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Хўжалик теплицасида катта-катта майдонларга қўчириб ўтказиш учун мўлжалланган қўчатлар намуналар парвартиш қилинляпти. Суратда: теплица хўжалигининг бригадирини ўртоқ А. Ҳидоятлов қарам қўчатларини суғормоқда.

А. Абалин фотоси.

САБЗАВОТ ЭКИШНИНГ ПОГОНАЛИ УСУЛЛАРИ

А. КАРИМОВ
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган агроном, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати

ИЮНЬ ойида сабзавот дўконларимизда янги пишиб етилган помидор кам учрайди. Август ойига борганда эса помидорини истаганча топа оласиз. Коиссера заводларининг қабул пунктлари олдига помидор ортиқча автомашиналар қаровни аниқ жойгача қўйилиб кетади. Ҳосилнинг кўли эзиллиб, қириб кетади.

Октябрь ойи бошланганда эса сабзавот дўконларида помидор яна тортилиб қолади. Бодринг июнь ойининг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, дўконларда 4—5 ҳафтагина туради, ҳолос. Ҳатто апрель ойининг бошларидаёқ дўконларга келтириш имкони бўлган редиска ҳосили ҳам бир-бир ярим ойда кечиктириб юборилади. Хуллас, бизда сабзавот мавсуми 4—5 ойдан нарига ўтмайди.

Нега шундай бўлади? Чунки ихтисослаштирилган сабзавоткор колхоз ва совхозларда экин экиш ишлари бир мўддатда, онда-сонда икки мўддатда ўтказилляпти. Бундан ташқари сабзавот экинлари ҳар бир турининг атиги 1—2 навиғина экиб ўстирилади, ҳолос.

Шуни алоҳида уқтириш керакики, бизнинг областимиз иқлим шартларида йил-ўн икки ой сабзавот етиштириш мумкин. Сабзавотнинг асосий турлари бўлган бодринг, помидор ва қарамни эса май ойидан то декабрь ойигача етиштириш имконияти бор. Бунга эришиш учун сабзавот экинларини бир мўддатда эмас, ҳар хил мўддатда бекитилиб қўйиш лозим. Шундангина сабзавот етиштиришни қўлайитириш юзасидан олиб борилаётган ишлар янада авж олиб кетади.

Энди погонали усулда сабзавот етиштириш юзасидан баъзи бир фикрлар айтиб ўтмоқчиман. Редисканинг сакса деган нави 25—30 кунда пишади. Бу нави энг биринчи бўлиб экиш зарур. Орадан ўн беш кун ўтгач, 35—40 кунда пишадиган қизил редиска экилади. Айнаи бир вақтда Дунганский, Майский навлари ҳам экилади. Бу кечпишар навлар 55—60 кун деганда ҳосил беради. Орадан ўн беш кун ўтгач, бу навлар яна қайтадан экилади. Биринчи мўддатда экиладиган редискаларни плёнка остида парвартиш қилмоқ керак. Шундай қилинса, редиска апрелнинг ўрталарида-ноябр сабзавот дўконларига келтирилади бошланади. То биринчи мўддатдаги бодринг пишганига қадар редиска ҳосилининг кети узишмайди.

Бодрининг ҳам погонали усулда тўрт мўддатда экиш керак. Энг эртаги навларини парникларга, гўн тувакчаларга қўйиб оқибатда экиш зарур. Бодринг қўчатини 15—20 апрелда очик майдонга қўчириб ўтказилади. Шундай қилинса, ҳосили июний бошида пишиб етилади.

Эртаги нав уруғлари очик майдонга 10—15 апрелда экилади. Ҳосилини йиғиштириб олиш июнь ойининг биринчи беш кунлигида бошланади. Эртаги бодринг уруғлари очик майдонга 15 майдан 1 июнь қадар экилади. Ҳосили июль ойининг ўрталарида пишиб етилади. Кечки нави 15 июндан

1 июль қадар экиш лозим. Шунда ҳосили август ойининг иккинчи ярмида пишиб етилади. Уни йиғиштириб олиш то дастлабки совуқлар бошлангунча қадар давом этади.

Шундай қилиб, экиннинг погонали усули қўлланинса, янги узиладиган бодринглар мавсумини одатдаги 3—5 ҳафта ўрнига 4—5 ойда қўчиш мумкин бўлади.

Помидорни ҳам тўрт мўддатда экиш яхши бўлади. Энг эртаги Талалихин ва Молдавский навларининг тувакчаларда етиштирилган қўчатлари очик майдонга 10—20 апрелда қўчириб ўтказилади. Ҳосили июнь ойининг биринчи ярмида қишиб етилади. Эртаги Майковский нави ҳам худди шу мўддатда экилади. Аммо унинг ҳосили июнь ойининг иккинчи ярмида пишиб етилади.

Эртаги Волгоград, Юсупов ва «Бозор мўъжизаси» навларининг қўчатлари очик майдонга 25 апрелдан 10 майга қадар қўчириб ўтказилади. Ҳосил июний охирида пишади. Кечки Волгоград, Майковский сингари навларининг уруғи бевосита очик майдонга 1 апрелдан 15 апрелгача экилади. Ҳосили августининг бошида пишиб етилади.

Помидор қўчатларини плёнка остида экиш билан совуқдан сақлаш мумкин. Шундай қилинса, янги узиладиган помидор то келгуси йилнинг январь ойига қадар дастурхонимиздан аримайди. Шундай қилиб, янги

узиладиган помидорлар мавсумини одатдаги икки ярим-уч ой ўрнига олти-етти ойда қўчиш мумкин.

Бу йили об-ҳаво шароитларида қарам парвартишни плёнка остидаги майдонларда бошлаш керак. Кейинчалик плёнкалар бодринг ва помидор экиган майдонларга қўйиладилар. 1 апрелдан 15 апрелга қадар қарамнинг Ўзбекистон—133, Тошкент—10, Шарф сингари навларининг уруғи бевосита очик майдонга секилади. Ҳосили августининг бошларида бориб пишади. 15 июндан 15 июльга қадар бўлган мўддатда эса худди шу навларнинг қўчатини очик майдонларга қўчириб ўтказилади. Ҳосили октябрнинг ўрталарида бориб пишади. 15 июндан 15 июльга қадар очик майдонларга уруғи секилган кечки навли қарамларнинг ҳосили ноябрда бориб пишади. Кечпишар навларнинг ҳосили тузлаш ва қишда сақлаш учун мўлжалланади. Агар иш шундай ташкил қилинса, ҳозир мавжуд бўлган оморларнинг ёрдамида аҳолини йил бўйи янги қарам билан таъминлаб туриш мумкин.

Сабзи ҳам бир неча мўддатда экилади: олдиди қузда, кейин эрта баҳорда. Эндиликда навабдаги экинга тайёргарлик қўйиб зарур, 15 апрелдан 1 майга қадар сабабининг Қизил мир эойи ва Сарик мирзойи навларини экиш керак. Кейин 15 июльга қадар бу ва бошқа навлар қайтадан экилади.

Сабзавоткор деҳқонларимиз экин экишни ана шундай погонали усулда ташкил этсалар, шаҳар аҳолисининг тобора ўсиб бораётган аҳтиёжларини қамши қондиришга эришадилар.

ОЛИМЛАР ВА ДЕҲҚОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

А. МАРТИНЕНКО
республика сабзавотчилик институтининг ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати

ИНСТИТУТИМИЗ олимлари бу йили муронаб шароитларида сабзавоткор деҳқонларга яқиндан ёрдам беришга қатъий бел боғладилар. Олимларнинг бир неча гуруҳи област колхоз ва совхозларида жўнаб кетди. Улар бир ой мобайнида сабзавоткорлар билан елкама-елка туриб ишладилар. Қаттиқ совуқ кунларида парник-теплица хўжалиқларида ишнинг қандай ташкил этилиши, нозик қўчатларни совуқдан қандай сақлаб қолиш, кўча пишироши бодларининг қандай асани ва улардан қандай фойдаланиш, гўн ва тупроқдан тувакчалар асаш ҳамда уларга уруғ сеиб қабил ишларда деҳқонларга қимматли маслаҳатлар беришди.

Деҳқонлар олимлар билан ҳамкорликда ишлаб, эртаги сабзавот қўчатларини совуқдан сақлаб қолди ва нормал ўстиришга эришибди. Бу ҳамкорлик натижасини аниқроқ тушунириб бериш учун бир мисол келтирмоқчимиз.

Помидор уруғларини сеилиб вақтин келган эди. Аммо совуқ кундан-кунга кўчалар, парникларини отишининг имкони йўқ эди. Нима қилиш керак? Шунда институтимиз олимлари Ўзбекистоннинг районига боришди. Улар хўжалиқлардаги аҳвол билан батафсил танишиб чиқишгач, деҳқонларга «хонаки сабзавотчилик» билан шугулланганлар, уруғини яшиқларга сеиб, ўйларинингизнинг кун тугашидан деразалари ёнига қўйинлар, мах-

сус этакериклар ясаганча яна ҳам яхши бўлади» деб маслаҳат беришди.

Деҳқонлар бу маслаҳатини жуда маъқул деб топишди. Карл Маркс номи колхоз парникчилари уша куннинг ўзидаёқ бир катта ёрғ бинони «хонаки сабзавотчилик» учун ажратибди. Эртасига кечқурунга қадар 200 квадрат метр жойга махсус яшиқлар қўйилиб, уларга помидорнинг тезпишар уруғлари сеилиди. Бу ташаббусга райондаги «Қирил ту», Калинин номи, «Колхозистин ССР 30 йилги» колхозларининг ва бошқа хўжалиқларнинг деҳқонлари ҳам қўшилди.

Институтимизнинг механизация бўлими аспиранти А. Г. Сохта уруғининг майда-майда шарсимон қилиб берадиган дражиратор машинасини ихтиёр қилибди. Бу машинадан чиққан уруғининг ичига мағиз, устида суфферфосфат қобиғи бўлади. Бундан шарсимон уруғининг қайта янжоланган чигит сеилмаси билан ҳам эканверса бўлар экан.

Оржоникидзе районидagi «Қирил Ўзбекистон» колхозининг сабзавоткорлари икки йилдан буён шундай машнада тайёрланган уруғининг экинлаштипти. Бу жуда яхши, натижа бериляпти. Шунинг учун ҳам областимиз сабзавоткорлари маҳаллий саноатдан 10 та дражиратор ясаб беришни илтимос қилишди.

СИНТЕТИКА МЎЪЖИЗАСИ

В. ВОЛКОВ
республика сабзавотчилик институтининг бўлим мудири, биология фанлари кандидати.

ТОШКЕНТ областининг сабзавоткорлари республикамизда биринчи бўлиб синтетик плёнкалар остида редиска, қарам, бодринг ва помидор етиштиришни бошлаб берган эдилар. Улар тажрибада шунга тўла навоат ҳосил қилишди, бу прогрессив агротехника усули эртаги сабзавот экинларидан бир ой бараваргача ҳосил олиш имкониятини беради. Синтетик плёнка қолланган ҳар гектар ердан 5—8 минг сўм соф фойда олиш мумкин.

Ҳозирга қадар плёнка остида сабзавот етиштириш унчалик кенг тарқалмаган эди. Негатини, синтетик плёнкалар етишмасди. Бу йил эса аҳвол тамоман ўзгарди. Оҳангарондаги пластмасса заводи областимиз сабзавоткорлари учун 300 тонна плёнка тайёрлаб бермоқда. Бундан ташқари республика Қишлоқ хўжалиги ва Озиқ-овқат саноати министри қилинган 120 тонна плёнка билан таъминланди. 320 тонна плёнка — ҳазилкам гап эмас. Улар билан 640 гектар бодринг майдонини ёки 320 гектар помидор майдонини қоплаш мумкин. Гектар бошига кам деганда 15 тоннадан ҳосил олинганда ҳам, бу майдонлардан 9600 тонна бодринг ёки 4800 тонна энг эртаги помидор олиш мумкин.

Областимиздаги теплица хўжалиқлари эгаллаб турган майдонининг умумий ҳажми 10 гектарини ташкил этади. Бу аҳолини 1 миллион 300 минг кишидан ортиқ бўлган Тошкент шаҳри учун етарли майдон эмас, албатта. Қиш мавсумида теплица бўлмаса, бодринг, помидор, редиска сингарилар ҳам бўлмайди. Қишда сабзавот дўконлари ҳувиллаб ётмас-

лиги учун, дастурхонда ҳамма вақт янги узиладиган сабзавотлар мўл-кўл бўлиши учун теплица хўжалиқларини кенгайтиришга жиддий эътибор бермоқ зарур.

Биринчи навбатда Калинин районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йилги» Карл Маркс номи, Оржоникидзе районидagi Ленин номи колхозларда бунёд этилаётган теплицалар қурилишини тезроқ ниҳолсига етказиш лозим. Бизнинг институтимиз учун қурилаётган катта теплица комбинатининг қурилиши ҳам кечиктириб юборилляпти. Тегилли ташкилотлар ана шу мўҳим масалага жиддий эътибор беришлари зарур.

Бундан ташқари, областимиздаги теплица хўжалиқларини енгил плёнкалар ҳисобига кенгайтириш ҳам мўҳим аҳамиятга эга. Бу хусусда Фарғонадаги Муқимий номи колхоз сабзавоткорларининг тажрибасидан ҳар қанча ўрнат олса арзийди.

Эртаги сабзавот қўчатлари наваб олинганда сўнг парникларни бўш қолдириш керак эмас. Уларда бодринг, помидор, баклажон ва қалампир етиштириш керак. Бунинг учун ҳозирдаёқ колхоз ва совхозларда доимий парник эвенюлари тузилса яхши бўларди.

Ушбу саҳифани республика «Билим» жамияти илмий-методик советининг сабзавотчилик секцияси раҳбари, «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси қишлоқ хўжалиги бўлимининг штатсиз мудири И. В. Скворцов уюштирган.



Шу кунларда сабзавоткор деҳқонлар меҳнат қилаётган даладаги чиксангиз, ана шундай манзарани кўрасиз. Улар эл дастурхонига қўллаб эртаги сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида синтетик плёнкалардан фойдаланмоқдалар. Бу суратда плёнка остида сабзавот қўчатлари етиштирилаётган участкалардан бирини кўриб турибсиз.

Н. Тўраев фотоси.

Солдат



САҲИФАСИ

№ 37

ОНА-ВАТАН ЧЕГАРАЛАРИ МУҚАДДАС ВА ДАҲЛСИЗДИР

ЖАСОРАТИНГИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

ЖАНГЧИЛАР ҒАЗАБИ

Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи шахсий состави Уссурида бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб борапти.

Хитой қароқчилари билан мардонавор курашганлар сафидан туркистончи жангчилар ҳам бор. Улар бошқалар қатори ўз бурчларини шараф билан ўтамоқдалар, она-Ватанимизнинг муқаддас чегарасини хушёрлик билан қўриқламоқдалар.

Бундан ўттиз йил муқаддам туркистончи солдат Алексей Махалин совет чегарасини бўлиб ўтган япон самурайларига қарши дўстлари билан курашган. У янгида кўрсатган шижоат ва дойирлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди. Шу кунларда муқаддас чегарачилар ўз оталари ва акалари изидан бориб, уларнинг шухратига-шухрат қўшимоқда.

Застава бошлиғи старший лейтенант Виталий Бубениннинг иккинчи жасорати бутун мамлакатга ёйилди. У асли туркистончи бўлди. Бундан бир неча йил муқаддам билим юртини битириб, офицерлик унвонини олган ва Узоқ Шарққа, Совет-Хитой чегарасидаги мураккаб участкаларнинг бирини хизмат қилишга жўнаб кетган эди.

Шу йил 2 мартда чегара пунктда рўй берган воқеани эшитган Бубенин бир гуруҳа солдат ва сержантлари билан старший лейтенант И. Стрельников заставасига ёрдамга ошди. Старший лейтенант Бубенин ўз чегарачилари билан Даманский оролини айланиб ўтаётган босқинчиларнинг йўлини кесиб қўйди. Шу пайт Хитой соҳили томонидан артиллериядан тўп отилди. Кучли порлашдан кейин Бубенин шикастланди. Лекин, дойирлик билан яраш билан боғлаб жангга бошчилиги қилишни давом эттирди. У энг

оғир участкаларда пайдо бўлар, солдатларга ўрнат қўрсатар, чегара бузувчилари билан мардонавор курашарди.

Бронетранспортер ҳайдовчиси оддий солдат П. Ковалев ету ва улдуздор жангчи эканлигини кўрсатди. У машинани сўқмоқчи йўллардан моҳирона ҳайдаб ўтди. Душман тўпидан шикастланган машинадан ўз ко-мандири Бубенинни олиб чиқиб, ҳаётини сақлаб қолди.

Хитой авантюричлари совет туپроғидан буткул чиқариб юборилгандан кейингида офицер Бубенин госпиталга жўнади.

Маочиларнинг навбатдаги иттифоқчилари баргараф этинида туркистончи офицер ва солдатлардан Лев Маньковский, Владимир Соловьев, Анатолий Кляга, Валерий Губарев ва

бошқалар қуролдош дўстлари билан қаҳрамонона жанг қилдилар.

Офицер Л. Маньковский мураккаб вазиятда унча катта бўлмаган чегарачилар гуруҳасига бошчилик қилди, хитой солдатларига қанотдан туриб зарба бера бошладилар. Бироқ иттифоқчилар яна куч тўплаб позиция-мизни ҳужумга тушди. Улар кўпчилик эди. Уссури соҳилининг у томонидан артиллерия ва минометлар маочиларни қувватлаб турди.

Шунда ҳам Л. Маньковский жанг майдонини ташлаб чиқмади. Ярадорларни майдондан олиб чиқиб кетишга ёрдамлашди. Ўзи эса сўнгги томчи қони қолгунча курашни давом эттирди.

Лейтенант А. Кляга ўтган йилнинг кузиди билим юртини

тутатиб хизматга жўнади. Хитой у застава бошлиғининг ўринбосари.

Н.Кисмининг шахсий состави ўз талабаларининг жасорат ва дойирлигини билан фахрланарди. Янгида бўлиб ўтган митингда курсантлар, солдатлар, сержант ва офицерлар юрак сўзларини ихлор қилиб, маочиларнинг қаттиқ ҳаракатларини қаттиқ қораладилар. Бир минут сукут сақлаб Ватан учун ҳалок бўлган дўстлари хотирасини эсладилар.

Лев Маньковскийни жуда яхши биламан, — деди қисм ветерани офицер Ю. Кисловский. — Унга тўрт йил таълим бердим. У ҳамон кўз ўнгимда, меҳнатсеварлиги, бошқаларга ўрнак бўлиши билан биз офицерларнинг ҳам хурматини қозонган эди, Янгида ҳам ботир-

лик кўрсатди. Совет чегараларини сўнгги нафасигача ҳимоя қилди.

Курсантлар номидан тапирган комсомол аъзоси Саидвақосов Даманска юборишларини айтди.

Билим юртимизни битирган офицерлар Бубенин, Маньковский, Соловьев, Кляга ва бошқалар изидан боришни истайман, — деди курсант.

Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси Пекин авантюричларини латънатладилар. Улар жонажон Ленин партиясига ва Совет Ҳукуматида ҳаммаша содиқ эканликларини, босқинчиларга қаршати зарба беришга тайёр турганликларини айтдилар.

Д. ПИСЛЯКОВ.

Узоқ Шарқ чегарасида Совет посбонларининг яна қони туқилди. Бу хабар бўлинишни жангчиларнинг ғазаб-нафратини янада ошириб юборди.

Хитой ҳарбийларининг рази иттифоқчиларига ҳаммамизни ранжитди, — деди шахсий состав иш-тирок этган митинг, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочили-коммунист Рубанов. — Севиқли Ватанимизнинг муқаддас чегараларини бузишга ҳеч қачон йўл қўймаслигини Мао — Цзе-дун ва унинг тўдаси билиб қўй-син. Мен ва кўролдош дўстларим Совет ҳукуматининг Бамботини қизғин қўллаб-қувватлаймиш, шонли Коммунистик партия теваригида янада муқтаҳкам ишчиларни хушёрлигини ва жанговар тайёргарлигини оширмиш.

Минбарга старшина Муродов чиқди: — Пекинлик авантюричлар му-носиб жазоларини олдилар. Хитойлик иттифоқчилар Совет кўроли-нинг кучини ўзларида синов қур-дилар. Биз уруш оловини ёнувчи-ларни оғохлантириб қўймоқчимиз кўрол билан негизлар — кўрол-дан ҳалок бўладилар.

Митингга сўзлаган ёфрейтор Ветеранов, оддий аскарлар Вол-ков, Юлиин, Швайно ва бошқалар пекинлик қароқчиларни қатъий қоралаб, Совет ҳукуматининг доно-сиёсатини қизғин қўллаб-қувват-ладилар.

Бўлима жангчилари рази ит-тифоқчиларга жавобан иттифоқчи-ни муқтаҳкамлаш, ушқоқлигини хушёрлигини ошириб ва жанговар тайёргарлида янги марраларни эгаллашга сўз бердилар.

Ш. МУХАММАДЖОНОВ,
Оддий аскар,
Н-қисм.



Бу суратлар Даманский ороли-райониди олинган. Унда — Хитой иттифоқчилари билан жанг қилган комсомол сержантлар Сергей Рудаков ва Илья Кобец.

ҲАМИША СЕЗГИР, ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

ХИЗМАТ ЁШИДАГИЛАР БИЛАН СУХВАТ

Гап сезгирлик ва ҳарбий сир-ларни ошкор этмаслик, ҳақида боргудек бўлса, беихтиёр бир воқеа ёдимга тушади.

Бу воқеа тактик машғулот пайтида содир бўлган эди. Танк-чилар чекиниб бораётган «душ-ман»га икки тоғ оралиғига жой-лашган қишлоқда етиб олишди ва уни «асир» туширишди. Шу ерда бир неча соат қолишга тўғри келди.

Танкчиларни аҳоли ўраб ол-ди. Улар жангчиларни саволга тутишди. Танкчилар эса ўз на-батидида тенгдошларининг ҳаёти билан қизиқинди, ўз хизматла-ри, ўқишлари ҳақида гапириб беришди.

Тўғриси зарбаси ва неча метргача шикаст еткази олиши ҳақида гапириб берсангиз, — кутилмаганда сўраб қолди шу ерликлардан бири.

Оддий солдат Собир Норов

билармонлигини кўрсатмоқчи бўлдим, жанговар машинанинг айрим тактик-техник маълумот-ларини беками-куст айтиб бер-ди. Шу топда офицер Гайнулин етиб келди ва суҳбатга аралаш-ди.

Бизнинг танкими жаҳон-да энг яхши хисобланади, — суҳбатга қўшилди командир. — У жуда катта тезлик билан ҳа-ракат қилади, зарбасига ҳеч қандай куч бардош беролмайди. Бу танклар Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армияси Қу-рол Кучлари сафидида фойда-ланилган танклардан анча ус-тунлик қилади.

Сўнгра офицер жангчилар ҳарбий техникани кунт билан ўлаштираётганликлар, бирин-чи зарбадаёқ нишонни шикаст-

лашганликларни ҳақида гапи-рди. Қолғочлар танкини қизи-қиб томоша қилишди, ўз фир-лари билан ўртоқлашдилар, жангчиларга қизиқари суҳба-тлари учун миннатдорчилик бил-дилар, меҳмон қилдилар.

Қишлоқ аҳли тарқалғач, офицер оддий солдат Собир Норовни ўз олдига қақирди ва жиддий оғохлантирди.

— Бу нимаси? Ахир сен ҳарбий сирни ошкор қилисан-ку!

Командир солдатга танб-х бериб, бундай қилмаслигини айтди.

Кечқурун солдатларни йигиб «Ҳарбий сирни қандай сақлаш керак» деган мавзуда лекция ўқиди.

— Совет Армияси сафидаги салкам ўттиз йиллик хизматини мобайнида, — деди офицер, — жуда кўп воқеаларга дуч кел-дим. Айрим солдатлар танки-лари ва дўстлари билан ҳарбий техника ҳақида суҳбатлашиб қолишди, гоҳо бундай суҳба-тлар кўпчилик ўртасида ҳам бў-либ туради. Ваҳоланки, бундай иш тутиш қатъийан ман қи-ляди. Негаки, Қурулди Кучла-римиз кудратли техникасини билишга қизиқибётган душман-лар ўз ниятларига етиш учун турли рази йўللардан ҳам қайтмайдилар. Улар айниқса оғзи бўш вафасиқларни қиди-ришди.

Ҳарбий сирни ошкор қилиш Ватан олдида оғир жиноят эканлигини унутмаслик керак.

Подполковник Ф. ЛОБЗИН.



Подполковник Александр Константинов СССР Олий Со-вети Президиумининг Фармони-га буюган Ленин ордени билан тақдирланди. Ўртоқ Константи-нов 17 ёшлиғидаёқ Улуғ Ватан урушида разведкачилар бўли-масига командирлик қилган, япон милитаристларига қарши жангларда қатнашган, бошқа совет жангчилари билан бирга хитой ерини босқинчилардан озод қилган эди. Шу йил 2 март кунин у ярадор бўлган за-става бошлиғи Виталий Бубенин-

нинг ўринини босиб, жангчи-ларимизни коммиссарчасига қарши ҳужумга бошлаб борди.

Лейтенант Лев Маньковский хитойлар билан тенг бўлмаган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У автоматдан ўт очиб сўнгги томчи қони қолгунча ше-рикларини ҳимоя қилиб турди. Жасур чегарачининг номи тур-кистончи қўшинларининг хоти-расида абадий сақланади. Сурат-ларда: А. Д. Константинов (чапда) ва Л. К. Маньковский.

ШАРҚ ДАРВОЗАСИ

Йўл четиди баланд колонна Сир берилган унга мармар

Безак билан ўйиб ёзилган Тиккасида «Владивосток», Тенасида кема макети, Меҳнат рамиз гўё остида, Қўлда метин ишга тайёрдек Ишчи турар меҳнат پوستида. Меҳнат билан шарафли

Юртим тинчлик, меҳнат юрти, ҳа, Шунинг учун оддий бир ишчин

Раииз «Шарқнинг дарвозасида».

Юсуфжон МАҲКАМОВ.

1. безакорика — матрослар-нинг бош кийими.



ЧЕГАРАЧИ АКБАРОВ

Бу йигит оддий солдат, чегарачи Илос Акбаров. Унинг номи заставда аълочилар қатори тилга олинади. Жангчи кейинги ой-ларда хушёрлик ва сезгирлик кўрсатиб, бир неча жиноятчини ушлади. Бунинг аъзаига командирнинг тапаккурига сазовор бўлди.

Оддий солдат Акбаров чегарачи дўстлари қатори маочилар-нинг босқинчилигини эшитиб беҳад ғазабланди.

— Пекин иттифоқчилари қилмишларига яраша жазо олди-лар, — деди Илос Акбаров. — Бизнинг Узоқ Шарқдаги че-гарачи дўстларимиз Даманский оролини қаҳрамонона ҳимоя қи-лдилар ва агрессорларнинг ниятини пушта чиқардилар. Уларнинг бу дойирлигини бизни Совет Социалистик Республикаларнинг чегараларини янада хушёрлик билан қўриқлашга ундайди. Биз ҳаммаша постимизда сергак туришга ва жанговар тайёргарлиги-мизни оширишга ҳаракат қиламиз.

Оддий солдат Илос Акбаров Н-қисм заставасининг бошқа жангчилари қатори Ватанимизнинг муқаддас чегарасини хуш-ёрлик билан қўриқламоқда.

Оддий аскар Ю. НИКОЛЮК,
Автор фотос.

Бир неча кундирки, бу кўча-дан ўтувчилар панорамалар кўргазмаси олдида бир нафас тўхтамай қолмайдилар. Бу ер-да «Известия» газетасининг махсус муҳбири Ю. Скуратов-нинг Даманский оролидаги во-қеаларга бағишланган фотосу-ратлари намойиш қилинмоқда. Томошабинлар чегарада бў-лган жанг эпизодларига ҳайрон-ланиб қўладан кечирмоқдалар. Улар орасида оролнинг умумий манзараси, номи ўчмас, шух-рат билан қопланган аjoyиб командир И. Стрельников ва унинг ботир жангчилари, ма-очи иттифоқчиларнинг бошқа ада-бини берган Бубениннинг сура-ти, оддий аскар Петровнинг

жанг бошланиши арафасида олиб қолган сўнгги кадрлари ва бошқалар бор. Тошкентлик-лар бу жонли экспозиция орқа-ли Ватанимизнинг Узоқ Шарқ чегараларини хушёрлик билан қўриқлаб турган ўғлонларимиз ҳақида етарли маълумотга эга бўлаётдилар.

Фотосуратлар олдида туриб қуйидаги фильм-мулоҳазаларини эшитдик.

Улуғ Ватан урушини инвализи А. ШМАРИГО:
— Мен уруш нияматини ўз

қўлим билан кўргазман. Маочи бебешларнинг қилган ёвузлари-ни гитлерчиларнинг разилигини эслашди. Қаттиқ яраланган ча-воқлаб ташланган, тақдирдан-ган чегарачиларни қўриб шу-ндай ҳулосага келдим. Лекин, ботир фарзандларимиз қузуғу-ларни бошлаб адабини бериш-ди.

Студент НАЗИРА ДАДА-БОВЕВА:
— Ҳар кунин шу ердан ўта-туриб, суратларга боқаман. Биз-нинг тинчлигимиз, бахтимиз,

кеалжанимизни қўриқлаб турган мард совет кишилар — қаҳ-рамон чегарачилар билан фахр-ланаман. Улар душманнинг ҳа-қандай иттифоқчиларини бар-тараф этишга қодирликларини кўрсатмоқдалар.

Оддий аскар М. ШОАВДУЛ-ЛАЕВ:
— Биз бутун қалбимиз бил-дан Узоқ Шарқда жангчилар билан биргача. Хитойлик ит-тифоқчиларнинг қонлигига жа-во-бан хушёрлигини янада оши-рамиз. Бизнинг ҳар би-

римиз кўлда қурол билан мам-лакатимизнинг муқаддас че-гараларини ҳимоя қилишга ҳам-мавақт тайёримиз.

Ишчи Маҳмад НУРМАТОВ:
— Барча совет кишилари тинч меҳнатининг мард ва хушёр қўриқчилари борли-гини яна бир қарра ҳис эти-дилар. Даманский оролида мар-дона жанг қилган чегарачи-ларимизнинг қаҳрамонлиги бизни меҳнатда янги талабаларга руҳлантиради.

С. МУСАЕВ.

ТОШКЕНТ, КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА

